**АҲМАД ФАРҒОНИЙ НОМИДАГИ
ФАРҒОНА ВИЛОЯТ
АХБОРОТ-КУТУБХОНА МАРКАЗИ**
***Ахборот-библиография бўлими***

# 2017 ЙИЛ 4 ЧОРАК УЧУН ЯНГИ НАШРЛАР БЮЛЛЕТЕНИ

**Фарғона – 2018**

# Психология

1. **86.42**
**Б95**
**Инсонни ўрганиш илми** / тузувчи О. Йулдошева. – Тошкент : Янги аср авлоди,2016. – 64 б. 5000 нусха.

Кўпчилик одамлар суҳбатдошининг нафақат сўзлаётган сўзи ва ўзини тутиши, балки ташқи кўринишига қараб ҳам баҳо беришади. Ва баъзан шундай бўладики, ҳеч қанақанги сўз, ҳеч қанақанги хатти-ҳаракатсиз ҳам бир кўришдаёқ муносабат билдирилади. Албатта, инсоннинг кўриниши, юриш-туришига қараб, унинг ички оламини кўра олиш учун инсонни яхши билиш лозим.

2. **88.3**
**К30**
**Кафтдаги сирлар ёхуд** хиромантия : ҳаёт, севги, бахт, бойлик, келажак, феъл-атворни аниқлаш илми мўъжизалари / тузувчилар А. Ашуров, Э. Килич. – Қайта нашр. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2015. – 96 б. 10000 нусха.

Китобдан жой олган ахборотлар барча даврларда машҳур бўлган хиромантия илмининг энг таниқли вакиллари асарларидан келтирилган. Ундаги мавзуларнинг ҳар бири оммабоп тилда батафсил баён этилган бўлиб, қўлга қараб фол очиш илмини ўрганишни, ўз келажагини билишни хоҳловчилар учун тайёр ёрдамчи бўлиб хизмат қилади.

3. **88.3**
**Н79**
**Норбеков, М.** Ўз устингда ишла / М. Норбеков. – Қайта ишл. 2-чи нашри. – Тошкент : Adabiyot uchqunlari, 2015. – 200 б. 1000 нусха.

Ушбу қўлланма хасталиклари билан видолашишга тайёр бўлганларга, ўз устида астойдил ишлашга қарор қилганларга, руҳият кучи, ирода кучи нималарга қодир эканлигини билмоқчи бўлганларга мўлжалланган.

4. **88.3**
**Р32**
**Рақамлар ва тақдирлар** / тузувчи С. Мусамедов. – Қайта нашр. – Тошкент : Davr Press, 2016. – 72 б. 2000 нусха.

Ушбу китобда рақамшуносликнинг тамойили ва усуллари батафсил баён этилган. Шунингдек, исталган киши исмининг сири ва туғилган санаси орқали ўзини келажакда нималар кутаётганлиги ҳақидаги тахминларни билиб олиш имконини берадиган усуллар таклиф қилинган.

5. **88.3**

**Ф74**

**Фишер, М.** Миллионер сингари фикрлашни ўрганинг / М. Фишер, М. Аллен; тарж. Т. Хакимов, муҳаррир З. Ҳамдамова. – Тошкент : Наврўз, 2016. – 112 б. 5000 нусха.

Ҳақиқий канадалик миллионер муваффақиятга эришиш тамойиллари ҳақида сўзлаб, одам ўзини ютуққа ва бахтга қандай дастурлаши кераклиги, буни уз онг ости тасарруфига кай тарзда сингдириши тугрисида гапиради.

## Этика

6. **87.7**

**У13**

**Убайдуллаева, С.** Оила маданияти / С. Убайдуллаева. – Тошкент : Маънавият, 2015. – 32 б. 1000 нусха.

Мазкур рисолада ҳар жиҳатдан баркамол авлод тарбиялаб вояга етгазишда оила маданияти ва маънавий муҳитининг аҳамияти, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни, шунингдек, тиббий маданиятнинг муҳим жиҳатлари хусусида сўз боради.

## Ислом дини

7. **86.38**

**П15**

**Пайғамбарлар тарихи** : Исломият тарихи / муҳаррир А. Турсунов. – Тошкент : Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. – 444 б. 5000 нусха.

Мазкур "Пайғамбарлар тарихи"да пайғамбарларнинг (уларга салот-у саломлар бўлсин) насл-насаби, ҳаёти ва шахсияти, фазилатлари, уларнинг ўзлари юборилган қавмларга нималарни етгазгани, қандай қарши олингани, қавмларнинг ўз хатти-ҳаракатларига яраша кандай оқибатларга учрагани ишончли манбаларга таянган ҳолда изоҳланган, билиш лозим бўлган фойдали маълумотлар тақдим этилган.

## Педагогика

8. **74.1**

**Н73**

**Нодавлат мактабгача таълим** муассасасини ташкил этиш ҳамда фаолиятини мувофиқлаштириш : тавсиянома / тузувчилар С. С. Миржалилова, М. Н. Аъзамова. – Тошкент : Маънавият, 2016. – 256 б. 1000 нусха.

Ушбу тавсияномада нодавлат таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва юритиш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатлар жамланган бўлиб, улар нодавлат таълим муассасаларини ташкил этишда амалий дастур ҳисобланади.

## Фольклор

9. **82.3(2Рос)**
**Б95**
**Былины** : для учащихся младших и средних классов / Сост. О. Э. Вульф. – Ташкент : Узбекистан, 2017. – 168 с. – (Библиотека школьника) 3000 экз.

Былины являются эпическими песнями о русских богатырях: именно здесь мы находим воспроизведение общих, типических их свойств и историю их жизни, их подвиги и стремления, чувства и мысли. Каждая из этих песен говорит, главным образом, об одном эпизоде жизни одного богатыря. Данный сборник включает в себя былины, адаптированные для детского чтения - в прозаическом пересказе.

10. **82.3(5Ў)**
**А54**
**Ўзбек халқ ижоди** ёдгорликлари : 100 жилдлик
**Т. 1. Алпомиш** : достон. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 512 б. 1000 нусха.

Маълумки, бу дунёда ҳар қайси миллатнинг ўз афсонавий қаҳрамонлари, ўзи севиб ардоқлайдиган паҳлавонлари бўлади. Халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдонаси бўлмиш "Алпомиш" достони миллатимизнинг ўзлигини намоён этадиган, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир.

11. **82.3(5Ў)**
**Ю91**
**Ўзбек халқ ижоди** ёдгорликлари : 100 жилдлик
**Т. 2. Юсуф билан Аҳмад** : достон. – Тошкент : Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 556 б. 1000 нусха.

Ўзбек халқ бахшилари репертуарида турли жангу жадаллар тасвири орқали ватанга муҳаббат ва юртсеварлик ғояларини акс эттирувчи "Юсуф билан Аҳмад", "Алибек билан Болибек" каби эпик асарлар мавжудки, қадимий қаҳрамонлик эпосига хос хусусиятларни ўзида акс эттирган бундай эпослар "жангнома достонлар"нинг ёрқин намунаси бўла олади.

12. **82.3(5Ў)**
**К46**
**Ўзбек халқ ижоди** ёдгорликлари : 100 жилдлик

**Т. 3. Қиронхон** : достон. – Тошкент : Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 648 б. 1000 нусха.

Маълумки, "Қиронхон" достони мазмунан ижтимоий-маиший характерга эга. Чунки унда бефарзандлик туфайли азоб чеккан шоҳ оиласида дунёга келган ака-сингилнинг ўгай оналар фитнаси туфайли оғир синовларга дучор қилиниши, эзгулик ва ёвузликнинг муросасиз кураши, мифологик ҳомийлар томонидан қўллаб-қувватланган қаҳрамоннинг машаққатли саргузаштларни бошдан кечириши каби воқеалар бадиий акс эттирилган.

14. **82.3(5Ў)**
**А54**
**Ўзбек халқ ижоди** ёдгорликлари : 100 жилдлик
**Т. 4. Алпомиш** : достонлар. – Тошкент : Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 444 б. 1000 нусха.

Маълумки, "Алпомиш" достони ҳамма вариантларида унинг сюжети, мазмун-моҳияти, ҳоявий йўналиши бир хил, ҳажми жиҳатидан энг йириги ва етуги, бадиий жиҳатдан энг мукаммали ҳисобланади.

## Ўсимликларни фармацияда қўлланиши

15. **42.143(5Ў)**
**У75**
**Усманходжаев, А. Х.** АТЛАС лекарственных растений Узбекистана = O'zbekiston dorivor o'simliklari ATLASI = AN ATLAS of uzbekistan herbs / А. Х. Усманходжаев, С.З. Азизов, Н. Н. Мухамеджанова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2014. -244 б.: рис. 2000 экз.

Атлас является первым обобщающим капитальным информационно-иллюстративным трудом лекарственных растений Узбекистана за последнее десятилетие. В книге даны описание видов, их точные латинские названия и основные синонимы, на русском и узбекском языках, распространение и условия их произрастания. Приведены также понятия и способ заготовки, сушки. Книга адресована медикам, биологам, фармацевтическим работникам и широкому кругу читателей.

## Тиббиёт

16. **55.6**
**А15**
**Абдуҳакимов, А.** Сирли саратон / А. Абдуҳакимов; Рец. М. Н. Тиллашайхов. – Тошкент : Наврўз, 2017. – 112 б.: табл. 2000 нусха.

Ушбу рисола онкология ва онкологик касалликлар, уларнинг муолажаси ҳақидаги ўзбек тилида ёзилган илк манбадир. Унда бемор ва унинг яқинларига тўғрисини айтиш, ҳаётга ишониб яшаш ва саратоннинг олдини олиш буйича зарур тавсиялар келтирилган.

## Озиқ-овқат саноати, яхлит тарзда. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва консервациялаш

17. **36.9**
**У16**
**Узбек таомлари** = Узбекская кухня = Uzbek cuisine/ тузувчи А. Мадрахимов. – Тошкент : Ўкитувчи, 2016. – 304 б.: расм. 3000 нусха.
Экземпляры: всего:1 - СИ(1)
ГРНТИ 65

Ушбу китобдан ўзбек миллий таомларидан газаклар, яхна таомлар, суюқ овқатлар, қуюқ овқатлар, хамирли таомлар, қандолат маҳсулотлари ва пишириқлар, лаззатли ичимликларнинг тайёрланиши кўрсатиб ўтилган.

## Санъат

18. **85.13**
**М90**
**Mustaqillik davri o`zbek** me`morchilik va monumental haykaltaroshlik san`ati : Albom / tuzuvchi X. Sultonov, muharrir I. Bo`riboev. – Toshkent : SMI-ASIA, 2011. – 176 b. 10000 nusxa.

Ушбу алъбом-рисолада Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида мустакиллик даврида миллий меъморчилик ва ҳайкалтарошлик санъати ҳамда бу соҳа ривожида кузатилаётган янгича ғоявий-бадиий йўналиш ва ўзгаришлар хусусида сўз юритилади.

19. **85.37(5Ў)**
**Н87**
**Нурли мангулик** : Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджонов замондошлари хотирасида / тузувчи. А. Иброҳимов. – Тошкент : O'zbekiston, 2016. – 144 б. – (Ажойиб кишилар ҳаёти) 3000 нусха.

Ушбу тўпламда халқимизнинг севимли санъаткори Ўзбекистон Қаҳрамони Зикир Муҳаммаджоновни яқиндан билган, таниган инсонлар, ҳамкасблари, шогирдларининг дил сўзлари жамланган.

20. **85.3**
**С35**

**Саъдиев, Х.** Ўзингизнинг "Шум бола"нгизман / Х. Саъдиев; муҳаррир Я. Мўминова. -Тошкент: O'zbekiston, 2013. -112 б. 2000 нусха.

Ушбу китобда "Шум бола" телеспектакли билан боғлиқ жараёнлар, шунингдек, санъат ва санъаткорнинг ҳаётда тутган ўрни, актёр қалби, актёр садоқати ҳақида кўп илиқ гаплар ўрин олган.

## Мусиқа

21. **82.3(5Ў)**
**М26**
**Мардонова, Г.** Ўзбек халқ қўшиқлари : аллалар, эркаламалар, ёр-ёрлар / Г. Мардонова. – Тошкент : O'zbekiston, 2015. – 136 б. 2000 нусха.

Ушбу китобга маданиятимизнинг энг гўзал қирраларидан бири бўлган халқ қўшиқлари киритилган.

## Тилшунослик

22. **81.2Ўзб-О3**
**Ж24**
**Жамолхонов, Ҳасанбой**
Ўзбек ёзувининг ХХ аср тарихи : мажмуа / Ҳасанбой Жамолхонов
**К. 1.** / Умаров, Абдусалом. – Тошкент : Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2017. – 460 б. 500 нусха.

Ушбу китоб ХХ асрнинг 30-йилларигача бўлган даврда араб графикасидаги ўзбек ёзувини ислоҳ қилиш муносабати билан матбуотда уюштирилган мунозара материаллари, турли даражадаги плениум, конференция ва курултойларда ўқилган маърузалар, алифбо ва имло бўйича қабул қилинган қарорларнинг газета ва журналларда чоп этилган матнларидан ёхуд архив ҳужжатлари ва уларнинг кирилл-узбек алифбосига ўгирилган нусхасидан ташкил топган.

23. **81.2Ўзб-1**
**Н14**
**Навоий, А.** Муҳокамат ул-луғатайн / А. Навоий; муҳаррир М. Исмоилов. – Тошкент : Akademnashr, 2017. – 128 б. 3000 нусха.

Ушбу китоб Алишер Навоий қаламига мансуб "Мухокамат ул-луғатайн" рисоласининг ўзбек тилшунослигида тутган ўрнини таҳлил этишга бағишланган. Шунингдек, асарнинг илмий матни ва ҳозирги узбекчадаги соддалаштирилган баёни ҳам келтирилган.

24. **81.2Турк**

**Ф22**

**Фалёв, П. А.** Туркий халқларнинг сўз санъати ва лаҳжалари : профессор П. А. Фалёв 1921 йилда Туркистон Шарқ институтида ўқиган маърузалари / П. А. Фалёв; тарж. З. Исомиддинов. – Тошкент : Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2017. – 76 б. – (Туркистон Шарқ институти) 200 нусха.

Ушбу китобда П. А. Фалёвнинг ўтган аср бошларида Тошкентдаги Туркистон дорилфунунида ўқиган маърузалари матнидан иборат.

## Адабиёт. Адабиётшунослик

25. **83.3(5Ў)**
**Ж13**

**Жабборов, Н.** Замон. Мезон. Шеърият / Н. Жабборов; муҳаррир С. Мели. – Тошкент : Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 304 б. 1000 нусха.

Мустақиллик йилларида миллий шеъриятимиз тараққийси қандай тенденциялар асосида кечаётир? Шеъриятимиз ривожининг ўзига хос тамойиллари ималардан иборат? Назмий асарларни бугун қай мезонларга таяниб баҳолаяпмиз? Адабиётшунос олим, профессор Нурбой Жабборовнинг ушбу китобида шу ва шу каби саволларга берилган оҳорли жавоблари, ўзига хос илмий хулосалари акс этган.

26. **83.3(5Ў)**
**О-49**

**Олим, Ф.** Навоий наздида комил инсон / Ф. Олим; муҳаррир К. Куранбоев. – Тошкент : Маънавият, 2015. – 32 б. 1000 нусха.

Қандай инсон замон қаҳрамони бўлиши мумкин? бу савол азалдан маънавиятнинг бош масаласи янглиғ ўртага қўйиб келинган. Алишер Навоий даврида комил инсон замон қаҳрамони ҳисобланган. Буюк мутафаккир замондошларидан уч зоти шарифни ўзи кўрган-билган комил инсонлар сифатида улуғлайди. Улардан биринчиси - устози Абдураҳмон Жомий, иккинчиси - Ҳасан Ардашер ва учинчиси - Паҳлавон Маҳмуд.

27. **83.3(5Ў)**
**Д22**

**Дарди дунёга сиғмаган** адиб : Йўлдош Сулаймон замондошлари хотирасида / тузувчи Ф. Анис. – Тошкент : Akademnashr, 2017. – 160 б. 1000 нусха.

Таниқли шоир ва ёзувчилар ҳақида ёзилган хотиралар кишини сирли оламга олиб киргани учун ҳам қадрлидир. Атоқли адиб Йўлдош Сулаймон ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу қайдлар шоирни Сизга инсон ва ижодкор сифатида яқинроқ таништиради.

## Алоҳида тиллардаги бадиий адабиёт

28. **84(5Эрон)1**
**Ш48**

**Sheroziy, S.** Hikmatlar / S. Sheroziy; tuzuvchi E. Ochilov. –2-chi nashri. – Toshkent : O'zbekiston, 2015. – 248 b. – (Tafakkur tuhfalari) 3000 nusxa.

Шерозий халқ мақолларидай жарангловчи сермазмун ҳикматлари ва ибратли ривоятлари туфайли Ҳаёт муаллими деб улуғланган, "Бўстон" ва "Гулистон" каби панднома асарлари асрлар давомида Шарк мамлакатларидаги мактаб ва мадрасаларда асосий дарсликлар қаторида ўқитилган буюк сўз санъаткори Шайх Муслиҳиддин Саъдий Шерозий қаламига мансуб мазкур тафаккур дурдоналари у қолдирган бой адабий мерос ичидан танлаб олинган.

29. **84(5Ҳин)**
**Д44**

**Деҳлавий, А. Х.** Ёр васли / А. Х. Деҳлавий; тузувчи Э. Очилов. – Тошкент : O'zbekiston, 2011. – 128 б. – (Жаҳон адабиёти дурдоналари) 3000 нусха.

Ушбу тўпламга шоирнинг Васфий, Чустий, Шоислом Шомуҳамедов, Муродий, Жамол Камол, Жонибек Сувонқулов, Носир Муҳаммад, Эргаш Очиловлар таржимасидаги оташин ҳазаллари, дилбар рубоийлари ва достонлари ичида келган теран маъноли ҳикматларидан намуналар киритилди.

30. **84(5Каз)**
**Д99**

**Дусанов, С.** Кашқир улиган тун : роман, қисса, ҳикоялар / С. Дусанов; тузувчи М. Мирзо. – Тошкент : O'zbekiston, 2017. – 384 б. 3000 нусха.

Ушбу китобда қозоқ адабиётини сўнгги йилларда олам аро танитиб келаётган адиблардан бири-Собит Дусановнинг машҳур қисса ва ҳикоялари жой олган.

31. **84(Кор)**
**К37**

**Кёнг, И. Х.** Бахтли инсон соатга қарамайди : новеллалар / И. Х. Кёнг; тарж. С. Тажимуратов. – Тошкент : Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. – 272 б. 1000 нусха.

Адибанинг, ўзбек китобхони илк бор қўлга олаётган "Бахтли инсон саотга қарамайди" тўпламидаги новеллалар ўзининг жозибадорлиги, соҳирлиги билан ўқувчи эътиборини жалб этади. Ин Хи Кёнг бу жажжи асарларида шаклий, услубий янгиликларга интилиши баробарида ҳаётга теран, чуқур мушоҳада билан назар ташлайди.

32. **84(Исп)**
**Л77**
**Лорка, Ф. Г.** Энг қайғули шодлик : шеърлар ва достонлар / Ф. Г. Лорка; тарж. Ш. Раҳмон. – Тошкент : Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. – 396 б. 1000 нусха.

Ушбу китобга шоирнинг барча асарлар мажмуасидан намуналар, "Игнасио Санчес Мехиасга аза" достони ва "Тамарит девони" ҳамда турли шеърларидан намуналар киритилган.

33. **84(5Хинд)**
**Н31**
**Нахшабий, З.** Тўтинома : ривоят / З. Нахшабий, Х. Б. Хайдарий; муҳаррир М. Омон. – Тошкент : Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2015. – 184 б. 1000 нусха.

Ҳинд мумтоз адабиётинингэнг нодир намуналаридан бири бўлмиш насрий-шеърий дидактик характердаги мазкур асар илк бор 1320 йилда дунё юзини кўрган. Етти юз аввал ёзилган бу ноёб адабий обида асли Қарши воҳасида туғилиб камолга етган ва тақдир тақазоси билан умрини Ҳиндистонда ўтказган юртдошимиз, файласуф ва етук табиб Зиёвуддин Нахшабийнинг ақл-заковати ва қалб қўри маҳсулидир.

34. **84(4Нор)**
**С92**
**Столесен, Г.** Тоабад сеникиман : роман / Г. Столесен; тарж. А. Файзулла. – Тошкент : Kamalak, 2014. – 320 б. – (Жаҳон адабиёти дурдоналари) 4000 нусха.

Замонавий норвег детективи сирасига кирган ушбу роман ўсмирлар тарбияси муаммоларини ўз ичига олади. Ўтган асрнинг 80-йилларида Норвегияда жиноятчиликка қарши кураш, оилавий муносабатлар, муҳаббат ва нафрат каби масалалар воқеаларда қизиқарли тарзда акс этган.

35. **84(4Пол)**
**Х65**
**Хмелевская, И.** Всё красное : детективный роман / И. Хмелевская. – Ташкент : Узбекистан, 2016. – 344 с. 2000 экз.

Роман прежде всего привлекает читателя своим искромётным юмором и иронией. Иоанна Хмелевская способна увидеть иронию и гротеск в самых непривычных ситуациях. Роман "Всё красное" по праву признан одним из самых ярких и динамичных произведений польской писательницы.

36. **84(4Пол)**
**Х65**

**Хмелевская, И.** Что сказал покойник : детектив / И. Хмелевская. – Ташкент : Узбекистан, 2016. – 368 с. 2000 экз.

"Что сказал покойник" - одна из наиболее успешных книг польской писательницы Иоанны Хмелевской. Случайное стечение обстоятельств приводит к тому, что пани Иоанна становится обладательницей шифра, скрывающего координаты местонахождения сокровищ могущественного гангстерского синдиката. Зная такие тайны, долго не живут. Но, поскольку пани Иоанна осталась единственным живым человеком, знающим этот шифр, ей удается с честью выйти из сложившейся ситуации. Невероятные приключения неунывающей героини, тонкая ирония и юмор доставят читателю огромное удовольствие.

37. **84(0)**
**Э62**
**Энг сара муҳаббат** қиссалари / тузувчи. М. Қутлиева. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2017. – 320 б. 5000 нусха.

Муҳаббат-ҳайратлар, азоблар, оғриқлар, дардлар, кайғулар билан келади. Инсон фарзанди уни шу ҳолида қувонч билан қабул қилади, оғир дамларида ундан паноҳ истайди. Ушбу китобга ўлмас ва абадий мавзу-муҳаббат ҳақидаги энг сара қиссаларни жамланган.

## Америка адабиёти

38. **84(7АҚШ)**
**Д76**
**Драйзер, Теодор**
Америка фожиаси : роман/ Теодор Драйзер
**Қ. 1.** / тарж. Э. Носиров. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2016. – 624 б. 5000 нусха.

Теодор Драйзернинг икки қисмдан иборат йирик "Америка фожиаси" романи ҳамиша бутун дунёни ўз ғоялари атрофида бирлаштиришга уринган гигант давлат - Америкада ўша вақтларда юз берган воқеликни кенг қамраб олганлиги, воқеаларнинг изчиллиги билан ҳамиша китобхонлар эътиборини ўзига жалб этиб келган.

39. **84(7АҚШ)**
**Д76**
**Драйзер, Теодор**
Америка фожиаси : роман / Драйзер Теодор;
**Қ. 2.** / тарж. У. Усмонов. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2016. – 688 б. 5000 нусха.

## Инглиз адабиёти

40. **84(4Ингл)**
**К81**
**Кристи, А.** Изқувар Пуаро : ҳикоялар / А. Кристи. – Тошкент : O'zbekiston, 2016. – 160 б. 3000 нусха.

Ушбу тўпламда адибнинг қизиқарли ҳикоялари танлаб олинган. Бу ҳикоялар сирли воқеаларга бойлиги билан ажралиб туради. Хикоялардаги изқувар қаҳрамонларнинг фикри тиниқлиги, жиноятларни фош қилишда иштирок этиши китобхон диққатини тортади.

41. **84(4Ингл)**
**Ш42**
**Шекспир, В.** Отелло : трагедия / В. Шекспир; тарж. Ғ. Ғулом. – Тошкент : Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. – 220 б. – (Нашриётимиз хазинасидан) 500 нусха.

Асарнинг ёзилганига неча асрлар бўлганига қарамай, яъни Шекспир ва унинг ҳалок бўлган Дездемонаси, Отеллоси ҳамон ўқувчиларни, томошабинларни ҳиёнату жиноятларга, Яго ва унингдек бошқа разилларга, уларнинг ёвузликларига қарши фаол курашга ундаб келмокда.

## Француз адабиёти

42. **84(Фр)**
**Л77**
**Лоран, Ш.** Напалеоннинг жосуси : тарихий роман / Ш. Лоран; тарж. Р. Умматов. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2016. – 288 б. – (Dunyo adabiyoti kutubxonasi) 5000 нусха.

Француз адиби Шарль Лораннинг мазкур асари ўқувчини XIX асрнинг бошлари - Наполеон Францияси даврига сайр эттириб, буюк саркарда Наполеон Бонапарт, жосус Карл Шульмейтер ва соҳибжамол Берта ҳамда улар қарамоғига олган, томирида қироллар қони оқаётган асранди бола Ганс каби қаҳрамонларнинг тақдири ва ички кечинмалари орқали урушнинг суронли онларига олиб киради.

## Рус адабиёти

43. **84(2Рос)1**
**Д74**

**Достоевский, Ф. М.** Жиноят ва жазо : роман / Ф. М. Достоевский; тарж. И. Гафуров. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2017. – 856 б. – (Kamolot kutubxonasi) 5000 нусха.

Романда мудҳиш қотилликнинг узлуксиз уқубатлари билан бирга гўзал муҳаббат тасвири ҳам борки, у китобхон қалбини беихтиёр жунбушга келтиради.

44. **84(2Рос)**
**Л44**
**Лермонтов, М. Ю.** Замонамиз қаҳамони : насрий асарлар / М. Ю. Лермонтов; тузувчи. А. Шер. – Тошкент : O'zbekiston, 2016. – 296 б. – (Жаҳон адабиёти кутубхонаси) 3000 нусха.

Михаил Юрьевич Лермонтов жаҳон адабиётининг ноёб истеъдодларидан бири ҳисобланади. Унинг "Замонамиз қаҳрамони" романи рус насрини юксак поғонага олиб чиқди.

45. **84(2Рос)1**
**Т64**
**Толстой, Л.** Авлиё Сергий / Л. Толстой. – Тошкент : Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2016. – 200 б. 1000 нусха.

Буюк рус ёзувчиси Л. Толстойнинг "Авлиё Сергий" қиссаси ўзига хослиги билан адабиётшунослар ва китобхонларнинг диққат-эътиборига сазовор асарларидан биридир. Ушбу китобда инсоннинг маънавий-руҳий комилликка интилиш йўлидаги машаққатларини, зиддиятли ички кечинмаларини тасвирлар экан, ёзувчи ўзининг ҳам бу борадаги фалсафий қарашларини баён этади.

46. **84(2Р)1**
**Т64**
**Толстой, Л.**
Анна Каренина / Л. Толстой. – Тошкент : Янги аср авлоди, 2017. – 608 б. 5000 нусха.

Романда келтирилган Каренинлар, Облонскийлар ва Левинлардан иборат учта катта оиланинг турмуш-тарзи, уларни боғлаган риштталар, қаҳрамонлардаги эътиқод масаласи, Вронскийни Аннага томон талпинтирган куч, нихоят Аннанинг ҳалокатли ўлими тасвирларини уқиркан, китобхон ўзини беихтиёр Толстойга яқиндек, Толстой қалбини уқиётгандек ҳис этади.

47. **84(2Р)1**
**Т64**
**Толстой, Лев**
Уруш ва тинчлик : роман/ Лев Толстой

**К. 1, 2** . – Тошкент : Янги аср авлоди, 2016. – 976 б. – (Камолот кутубхонаси) 3000 нусха.

Роман-эпопея жанрининг энг шоҳ асарларидан бўлмиш мазкур машҳур "Уруш ва тинчлик" романи кўлами жиҳатидан дунё адабиёти ихлосмандлари томонидан юксак эътирофларга сазовор бўлган.

48. **84(2Р)1**
**Т64**
**Толстой, Лев**
Уруш ва тинчлик : роман/ Лев Толстой
**К. 3, 4** . – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 976 б. 3000 нусха.

Бу китоб фақат уруш ёхуд тинчлик ҳақида эмас. Унда мавзулар қамрови-одамлар қисмати, уларнинг тақдири, ўйлари, қарашлари ва айни пайтда бўлаётган жараёнларга муносабати китобхон эътиборини четда қолдирмайди.

## Ўзбек адабиёти

49. **84(5O')6**
**A98**
**Ahmad, S.** Ufq : trilogiya / S. Ahmad. – Qayta nashri. – Toshkent : Sano-standart, 2016. – 640 b. 10000 nusxa.

Трилогия XX аср миллат ҳаётининг ўн йиллик даври - иккинчи жаҳон уруши, уруш ва урушдан кейинги йиллар воқеаларини ўз ичига олади. Трилогияда ўша йиллари халқ бошига тушган мусибатлар, одамлар кўксидаги армонлар, шу муносабатларни енгишга қодир мислсиз матонат ва шижоатлар ёзувчи истеъдодига хос эҳтирос, зўр илҳом билан акс эттирилган.

50. **84(5O')6**
**H71**
**Hoshimov, O'.** Ajdarning tavbasi : hajviy qissa va hikoyalar / O' Hoshimov. – Toshkent : O'zbekiston, 2016. – 424 b. 5000 nusxa.

Ўткир Ҳошимов серқирра адиб. Унинг ўнлаб ҳажвий ҳикоялари, комедиялари, ичакузди ҳангомаларини ўқиганда, дилингиз равшан тортади, беихтиёр қах-қах уриб куласиз. Мазкур тўпламда ёзувчининг энг сара ҳажвий асарлари жамланган.

51. **84(5O')7**
**H71**
**Hoshimov, O'.** Bahor qaytmaydi : qissa va hikoyalar / O'. Hoshimov. – Toshkent : Yangi asr avlodi, 2016. – 280 b. 5000 nusxa.

"Баҳор қайтмайди" қиссаси 1969-йилда ёзилган. Қиссада ёзувчи истеъдодли, бироқ унинг қадрига етмаган, улуғ мақсадлардан маҳрум худбин йигитнинг таназзул тарихини, руҳий-маънавий инқирозини санъаткорона таҳлил этиб берган.

52. **84(5O')7**
**И81**
**Ismoiliy, M.** Qizlar daftariga : o'n bir oqshom hikoyati / M. Ismoiliy. – Toshkent : Yangi asr avlodi, 2016. – 184 b. – (Kamolot kutubxonasi) 5000 nusxa.

Ушбу китобда бувининг набира-sизига, шу орsали унинг дугоналарига ҳаёт сабоқлари, муҳаббат, вафо, бурч ва садоқат, ҳалоллик, тўғрилик хусусидаги ўгитлари ўз аксини топган.

53. **84(5O')**
**М94**
**Muqimiy.** Ey chehrasi tobonim / Muqimiy; tuzuvchi E. Ochilov. – Toshkent : O'zbekiston, 2016. – 264 b. – (Mashhur qo'shiqlar kutubxonasi) 3000 nusxa.

Ушбу тўплам халқ меҳр-у муҳаббатини қозонган икки забардаст сўз санъаткорлари Муқимий ва Фурқатнинг мухлислар кўнглидан жой олган машҳур қўшиқлари асосида тузилган.

54. **84(5Ў)6**
**Ё93**
**Ёкубов, О.** Улугбек хазинаси : роман / О. Ёкубов. – Тошкент : Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. – 456 б. 500 нусха.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг "Улугбек хазинаси" номли асарида бобоколонимиз Муҳаммад Тарағай Улуғбекнинг шахсий ҳаёти, фожиавий қисмати ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилинади.

55. **84(5Ў)1**
**А60**
**Амирий**
Девон : ўзбекча шеърлар / Амирий
**Т.1.** / муҳаррир А. Қаюмов, И. Хаққул. – Тошкент : Tamaddun, 2017. – 452 б. 1000 нусха.

Амирийнинг шеърияти ўзининг бадиий баркамоллиги, теран фикрлар ва ҳассос туйғулар ўз ифодасини топганлиги, бадиий санъатларга бойлиги билан сўз санъати шайдолари диққатини ҳамиша ўзига жалб қилиб келган. Унинг дилтортар ҳазаллари халк орасида машхур булиб, куйга солиб ижро этилган. Шоирнинг девони ғазал, муҳаммас, мусаддас, мусамман, таржеъбанд, туюк жанридаги лирик шеърларни ўз ичига олади.

56. **84(5Ў)1**
**А60**
**Амирий**
Девон : тожикча шеърлар / Амирий
**Т.2.** / муҳаррир И. Хаққул. – Тошкент : Tamaddun, 2017. – 384 б. 1000 нусха.

Амирийнинг шеърияти ўзининг бадиий баркамоллиги, теран фикрлар ва ҳассос туйғулар ўз ифодасини топганлиги, бадиий санъатларга бойлиги билан сўз санъати шайдолари диққатини ҳамиша ўзига жалб қилиб келган. Унинг дилтортар ғазаллари халқ орасида машҳур бўлиб, куйга солиб ижро этилган.

57. **84(5Ў)7**
**Б43**
**Баҳодирова, С.** Тўмарис : қисса / С. Баҳодирова. – Тошкент : O'zbekiston, 2016. – 120 б. 2000 нусха.

Адибнинг ушбу "Тўмарис" номли китобида ўзбек халқининг тарихий аёл қаҳрамони Массагетлар шоҳи Тумарис ҳақида ҳикоя қилинади.

58. **84(5Ў)6**
**И78**
**Исахонова, Ш.** Бибихоним : тарихий роман / Ш. Исахонова. – Тошкент : Davr Press, 2011. – 304 б. 2000 нусха.

Мазкур китоб тили равонлиги, воқеалар шиддати ва моҳиятнинг яққоллиги, энг муҳими, қаҳрамонлар тўғрисидаги тасаввурнинг мукаммаллиги ўқувчини беэътибор қолдирмайди.

59. **84(5Ў)7**
**И78**
**Исахонова, Ш.** Қирқ кокилли келинчак : қисса ва ҳикоялар / Ш. Исахонова. – Тошкент : Kamalak-PRESS, 2015. – 336 б. 3000 нусха.

Мазкур тўпламдан жой олган қисса ва ҳикоялар бадиий жиҳатдан пишиқлиги, уқимишлилиги, қаҳрамонлар феъл-атворидаги ўзига хослик ва ранг-баранг талқини билан кейинги йиллар ҳикоячилигини ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойитган асарлар сирасига киради.

60. **84(5Ў)7**
**И78**
**Исахонова, Ш.** Турон маликаси : тарихий роман / Ш. Исахонова. – Тошкент : Kamalak-PRESS, 2014. – 480 б. 3000 нусха.

Ёзувчи Шаҳодат Исахонованинг икки қисмдан иборат ушбу тарихий романида Турон юртининг шон-шуҳратли Бош маликаси Бибихоним ва

маликалар Туман Оғо, Рухпарвар Оғо ҳамда кичик хоним Тўкалхоним ҳаётининг юлдузли онлари баробарида қисмату қадарнинг турли жилвалари ва аянчли эврилишлари акс этган.

61. **84(5Ў)7**
**К21**
**Камол, О.** Фидойилик : ҳужжатли қисса / О. Камол. – Тошкент : Наврўз, 2017. – 60 б. 250 нусха.

Ушбу ҳужжатли қисса фидойи инсон, заҳматкаш устоз ва моҳир ташкилотчи Мусажон Акбаровнинг тадбиркорлик фаолияти ва таълим-тарбия соҳасида эришган ютуқлари ҳақида кузатишлар қилинган.

62. **84(5Ў)7**
**Қ25**
**Қаршибой, М.** Ўттиз йиллик андиша : шеърлар / М. Қаршибой. – Тошкент : Sharq NMAK , 2014. – 128 б. 1000 нусха.

Ушбу тўпламда шоирнинг бундан ўттиз йилча муқаддам ёзилган шеърлари жамланган.

63. **84(5Ў)7**
**Қ85**
**Қутлибека.** Муҳаббат, сен чиройлисан : ҳикоялар / Қутлибека. – Тошкент : O'zbekiston, 2015. – 12 б. 3000 нусха.

Атроф тўла одамлар: бири ўйчан, бири маҳзун, бири очиқ чеҳрали. Ташқаридан қараганда улар бир замон, бир маконда яшагани учун бири бирига ўхшашдек. Аммо яқинроқ борсангиз ҳар бири бир олам: бошида турфа тақдирлар, қисматлар. Гоҳ тақдир чорраҳаларида адашиб кетади, гоҳ мураккабликларга сабр-қаноат билан бардош беради. Кутлибеканинг мазкур тўпламга киритилган ҳикояларидаги қаҳрамонлар ҳам шундай инсонлар. Уларнинг дардлари, қувончларида ҳар бир кишига маълум фикрлар, хулосалар берадиган ибратлар бор.

64. **84(5Ў)7**
**М22**
**Малик, Э.** Ижобат бўлган дуо : ҳикоялар, табиат китоби, йиллар / Э. Малик. – Тошкент : Sharq, 2017. – 224 б. 5000 нусха.

Оламнинг ўзи улкан бир китоб. Ундаги ҳар бир зарра, ҳар бир нуқта Аллоҳ тарафидан яратилган бир асардир. Шуниси борки, уни уқиш учун жуда сезгир заррабинлар керак. Ижодкор аҳлини ўша заррабинларга ўхшатиш мумкин. Улар ҳамиша улкан китоб саҳифаларидаги сирли битикларни ўқиб,

маъно ва мазмунини баҳоли қудрат сизларга етказиш пайида бўладилар. Ушбу китоб ҳам муаллифнинг шу йўлдаги урунишларидан биридир.

65. **84(5Ў)6**
**М53**

**Мирмуҳсин.** Темур Малик : роман/ Мирмухсин. – Ташкент : Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 504 б. 1000 нусха.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Мирмухсиннинг “Темур Малик” романи ўтмишдаги халқ озодлик ҳаракатига бағишланган. Мазкур роман Ватан, халқ эрки, озодлиги, мустакиллиги йулидаги жасорати, мардлиги билан аллақачон мангулик рамзига айланган улуғ аждодимиз Темур Малик ва унинг даври ҳақида.

66. **84(5Ў)1**
**М94**

**Муқимий.** Лолазор айлаб келинг : ғазаллар, мураббаълар, мухаммаслар / Муқимий. – Тошкент : Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. –188 б. 1000 нусха.

Ўзбек адабиётининг йирик намоёндаси, ҳассос шоир Муҳаммад Аминхўжа Муқимий асарлари ўзбек китобхонларига сир эмас. Шоирнинг қолдирган мероси халқимиз учун битмас-туганмас маънавий хазинадир. Мазкур китоб Муқимийнинг халқимиз маънавий мулкига айланган, куйга солинган энг машҳур шеърлари асосида тайёрланди.

67. **84(5Ў)7**
**М99**

**Мўмин, О.** Буюк Амир Темур ёқути : тарихий-саргузашт эссе ва фантастик ҳикоялар / О. Мўмин. – Тошкент : O'zbekiston, 2017. – 176 с. 3000 нусха.

Таниқли фантаст ёзувчиси Озод Мўминнинг навбатдаги тўплами тарихий-саргузашт эссе билан бошланиб, ажабтовур, қизиқарли фантастик ҳикоялар билан давом этади.

68. **84(5Ў)7**
**М99**

**Мўминова, Г.** Дил синиқлари : шеърлар / Г. Мўминова. – Тошкент : Sharq, 2014. – 112 б. 1500 нусха.

Ёш, истеъдодли шоира Гулноз Мўминованинг “Дил синиклари” шеърлари китоби ҳисларнинг ёниқ, фикрларнинг табиий ва теранлиги, энг муҳими самимийлиги билан кўнгилни тўлқинлантиради, уни маъсум туйғулар билан жунбушга келтиради.

69. **84(5Ў)6**
**Н79**

**Норқобил, К.** Биз жангдан қайтмадик : қиссалар / К. Норқобил. – Ташкент : Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2016. – 204 б. 2000 нусха.

Мазкур тўпламда - Афғон урушида қатнашган, ҳаёт билан ўлим ўртасида муаллақ қолган йигитлар ҳолати, дунёси тасвирланади.

70. **84(5Ў)6**
**О-14**
**Обиджон, А.** Сайланма : шеърлар / А. Обиджон. – Тошкент : Akademnashr, 2017. – 248 б. 1000 нусха.

Ўзбек адабиётида Анвар Обиджоннинг ўзига хос ўрни бор. Мазкур тўпламга шоирнинг аллақачон ўқувчилар қалбидан чуқур жой олган шеърлари, сўнгги йилларда энг сара назмий асарлари киритилди.

71. **84(5Ў)6**
**О-95**
**Очилова, Э.** Маҳтумқули : рисола / Э. Очилова. – Тошкент : O'zbekiston, 2015. – 160 б. – (Тарих ва шахс) 2000 нусха.

Рисолада атоқли туркман шоири ва мутафаккири Маҳтумқулининг машаққатли ҳаёти, мураккаб тақдири, серқирра фаолияти, бой адабий мероси, шеърларининг мавзу кўлами ва бадиий олами, маҳорат қирралари, асарларининг ўрганилиши, таржималари ва нашрлари, ўзаро алоқа ҳамда адабий таъсир масалалари ва бошқалар ҳакида илмий-оммабоп усулда ҳикоя қилинади.

72. **84(5Ў)7**
**П46**
**Пирмуҳамедов, Ж.** Одам неча марта туғилади : кўнгил битиклари / Ж. Пирмуҳамедов. – Тошкент: O'zbekiston, 2016. – 64 б. 2000 нусха.

Жаҳонгир Пирмуҳамедов Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси. Мустақилликдан сўнг турли йилларда унинг “Алломалар ҳақида ҳангомалар”, “Тўқилмаган ҳикоялар”, “Қалтис ҳазил” ва “Ҳаётий ҳикоялар” номли китоблари чоп этилган.

73. **84(5Ў)7**
**С22**
**Саййид, С.** Ҳайёмдан бир коса, Румийдан бир жом : тўртликлар ва фардлар / С. Саййид. – Тошкент: Гафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – 248 б. 5000 нусха.

Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг ушбу китоби унинг асосан назмнинг кичик жанрларида ёзган шеърлари-тўртликлари, рубоий ва фардларидан иборат.

74. **84(5Ў)7**
**С96**
**Султон, Исажон**
Асарлар/ Исажон Султон
**Т.1. Ҳикоялар**. – Тошкент : Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2017. – 392 б. 1000 нусха.

Мазкур китобда ўз асарлари билан адабиёт ихлосмандларига яхши таниш бўлган Исажон Султоннинг турли йилларда ёзилган асарлари жамланган.

75. **84(5Ў)7**
**С96**
**Султон, Исажон**
Асарлар/ Исажон Султон
**Т.2. Романлар ва қиссалар** . – Тошкент : Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2017. – 384 б. 1000 нусха.

Мазкур китобда ўз асарлари билан адабиёт ихлосмандларига яхши таниш бўлган Исажон Султоннинг турли йилларда ёзилган асарлари жамланган.

76. **84(5Ў)6**
**С98**
**Суюн, Азим**
Танланган асарлар : етти китоб / Азим Суюн
**К.3. Мен сизни севаман** : шеърлар ва достонлар 1990-2015 йиллар ижоди / муҳаррир У. Қўчқор. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – 416 б. 500 нусха.

Азим Суюн адабиётимизнинг атоқли намояндаларидан. Шоирнинг йигирмадан ортиқ тўплами ўзбек тилида, шунингдек, унинг асарлари, асарларидан намуналар кўплаб хорижий тилларда ҳам чоп этилган. Азалий ҳақиқат: халқаро яқинлик ижодкор иқтидорини белгилаб келган. Шу маънода Азим Суюн чинакам халқ, эл-юрт шоиридир.

77. **84(5Ў)1**
**Ҳ18**
**Ҳазиний.** Девон / Ҳазиний; тузувчи О. Журабоев. – Қайта ишл. ва тўлд. 3-чи нашри. – Toshkent : Akademnashr, 2017. – 284 б. 1000 нусха.

Халқимизнинг севимли ва ардоқли шоири Ҳазиний ижодиёти кўп сонли адабиёт ихлосмандларини доимо қизиқтириб келади. Унинг шеърлар тўплами бир неча бор нашр этилган бўлса-да, тез орада тарқалиб кетди ва библиографик жиҳатдан ноёб китоблар сирасига кирди. Мазкур девон Ҳазиний адабий меросининг яхлит мажмуасини қамраб олган.

78. **84(5Ў)6**

**Ю91**

**Юсуф, М.** Қуёшга қараб оққан сув : шеърлар / М. Юсуф. – Тошкент : Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2016. – 232 б. 5000 нусха.

Муҳаммад Юсуф ўз сўзи билан халқимиз юрагидан жой олган, сўзи билан ҳақ гапни айтолган ижодкор эди. Ушбу тўпламга кирган шеърлар аллақачон мухлисларга ёд бўлиб кетган.

## Тарих

79. **63.3(5O`)ya72**
**Sh22**
**Shamsutdinov, Rustambek.**
Vatan tarixi / Rustambek Shamsutdinov
**Кн. 1.** / Sh. Karimov, S. Xoshimov. – Qayta ish.3-chi nashri. – Тошкент : Sharq, 2016. – 536 b. 2000 nusxa.

Мазкур қўлланмада ўзбек халқи тарихининг энг қадимги даврларидан то 16 асргача бўлган даври тарихи ўз ифодасини топган.

80. **63.3(5O`)ya72**
**Sh22**
**Shamsutdinov, Rustambek.**
Vatan tarixi / Rustambek Shamsutdinov
**Кн. 2. 16 - 20** asr boshlari / R. Shamsutdinov, Sh. Karimov, S. Xoshimov. – Qayta ish.3-chi nashri. – Тошкент : Sharq, 2016. – 328 b. 2000 nusxa.

Китобда Шайбонийлар, Аштархонийлар, озбек хонликлари, Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олиниши, ўлкадаги мустамлака ҳукмронлиги, мустақилликка қарши кураш, демократик ва миллий-озодлик, жадидчилик ҳаракатлари турли манбалар асосида акс эттирилган.

81. **63.3(5O')я73**
**Sh22**
**Shamsutdinov, Rustambek**
Vatan tarixi / Rustambek Shamsutdinov
**Кн. 3. O'zbekiston sovet mustamlakachilik** davrida / Sh. Karimov. – Qayta ish. To’ld. 4-chi nashri. – Тошкент : Sharq, 2016. – 464 b. 2000 nusxa.

Ушбу китобда ўзбек ва жаҳон тарихшунослигининг ҳозирги босқичдаги ютуқларига ҳамда миллий истиклол мафкураси ғояларига асосланган ҳолда Ўзбекистоннинг 1917-йил февраль инқилобидан то 1991-йил 31-августда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришган даврига қадар содир бўлган муҳим тарихий воқеалари ёритилган.

82. **63.3(5Ў)**
**А86**

**Асқаров, А.** Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи / А. Асқаров. – Toshkent : O'zbekiston, 2015. – 680 б. – (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институти) 5000 нусха.

Ушбу монографик тадқиқотда ўзбек халқининг келиб чиқиши, яъни унинг узоқ давом этган этногенез ва этник тарихи ҳақида, унинг уруғ-қабила ҳолатидан аста-секин элат-халқ бўлиб шаклланиб бориш жараёни ва шаклланган халқ сифатида миллат даражасига етишиш босқичлари бой моддий маданият ва ёзма манабаларнинг илмий таҳлили асосида баён этилган.

83. **63.3(0)я73**
**Э74**

**Эргашев, Шуҳрат.**
Жаҳон тарихи / Шуҳрат Эргашев
**Ч. 1. Янги давр. 16 -** 18 асрлар. –2-чи нашри. – Тошкент : O`zbekiston, 2016. – 528 б. 3000 нусха.

Ўқув қўлланмада жаҳон тарихининг янги даврини ҳозирги замон цивилизациясининг шаклланиш тарихи сифатида ёритишга ҳаракат қилинган.

84. **63.3(0)я73**
**Э74**

**Эргашев, Шуҳрат.**
Жаҳон тарихи : ўқув қўлланма / Шуҳрат Эргашев
**Ч. 2. Янги давр. 1800 -** 1918 йиллар. – Тошкент : O`zbekiston, 2015. – 568 б.

Ушбу китоб 19 аср жамият тараққиётида янги босқични бошлаб берган Буюк француз инқилобидан бошланади ва жуда катта ижтимоий фожиа - Биринчи жаҳон уруши билан якунланади.

## Шахслар ва шахсларнинг география, тарих ва биографияларидаги характеристикалари

85. **63.3(5Ў)4**
**И84**

**Исҳоқова З.** Ҳожа Аҳрор Валий / З. Исҳоқова; муҳаррир К. Ражабов. – Тошкент : O'zbekiston, 2016. – 168 б. – (Тарих ва шахс) 3000 нусха.

Ушбу китобда бутун умрини имон ва эътиқод, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, поклик ва ҳалоллик, илм ва маърифат, адолат ва диёнат йўлида фидо этган зот Ҳожа Аҳрор Валий ҳаётига бағишланган.

## География. Географические исследования Земли и отдельных стран. Путешествия. Региональная география

86. **26.89(2Рос,Бош)**
**С11**

**С любовью о** Башкортостане = With love Bashkortostan : Альбом на башкирском, русском и английском языках. – Уфа: Белая Река, 2002. – 200 с.: карты, фото.цв. 3000 экз.

О радушном народе Башкортостана, его традициях, истории и современной жизни рассказывает данное красочное издание. Священная земля, священная вода и священный огонь всегда служили символами общности людей и единения народа - эта мысль составляет важнейшую часть национального менталитета башкир.

## История России

87. **63.3(2Рос,Бош)**
**Б33**

**Башкортостан глазами друзей** = Bashkortostan through the Eyes of Friends : Фотоальбом / Ред. А. И. Шафикова. – Уфа: Информреклама, 2016. – 152 с.: цв.ил. – (Министерство культуры Республики Башкортостан) 500 экз.

Третий выпуск фотоальбома "Башкортостан глазами друзей" - это результат творческой работы международной команды фотохудожников из стран ШОС, БРИКС и СИОФФ. Фотографии, созданные мастерами по итогам фототуров 2014,2015 и 2016 годов, - это захватывающий рассказ о России, Башкортостане. Это еще один повествующий мостик, связывающий удивительный край со всем остальным миром.

Тузувчи: Д. Мамадиева